

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Кимё – технология факультети 51-14 ООТ гуруҳ талабаси

Барнохон Собированинг

“ҲУҚУҚШУНОСЛИК . ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ ” фанидан

“Оила ҳуқуқи асослари” мавзусида

тайёрлаган

Р Е Ф Е Р А Т И

Фарғона 2014

Мавзу : Оила ҳуқуқи асослари

РЕЖА:

Кириш

- 1.Оила ҳақида тушунча
- 2.Оила ҳуқуқи ҳақида тушунча

Асосий қисм

- 1.Никоҳ тузиш шартлари ва тартиби
- 2.Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- 3.Никоҳ тугатилиши асослари
- 4.Оила аъзоларининг мажбуриятлари
- 5.Васийлик ва ҳомийлик органларининг мақсад ва вазифалари

Хулоса

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган ҳозирги даврда оиланинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Оила-бу жамиятнинг бир бўлаги, кичик бир ватан, инсоний муҳаббат ифодаси, инсонни дунёга келтирадиган макон, илк тарбия ўчоғи, юрт бойлиги ва таянчи, меҳр-муҳаббат рамзи. Бу барча фуқаролардан ўз оиласини мустаҳкамлаш, унинг ҳар бир аъзосини ватанпарвар, давлатимиз учун сидқидилдан хизмат этувчи, содиқ фарзанд қилиб тарбиялашни талаб қилади.

Оила - жамият тараққиётининг муайян босқичида вужудга келадиган ижтимоий ҳодиса бўлиб, у муайян ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттиради. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Оила -бу жамиятнинг асоси ва бошланғич заррачасидир. Оила фаровонлиги, болаларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мамлакат бойлигининг ва куч - қудратининг негизидир”.¹

Республикамызда оиланинг жамиятдаги тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш оиланинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий маънавий-ахлоқий

манфаатларини ва фаровонлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Маълумки, 1998 йил “Оила йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Оила манфаатларини таъминлаш борасида, 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар борасида давлат дастури тасдиқланди. Шунингдек 1998 йил 2 февралдаги қарори билан Республика “Оила” илмий - амалий маркази ташкил этилди. Мустақил Ўзбекистонимиз 1995 йил 6 мартда “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди.

Давлат томонидан оилаларга кун сайин ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама ёрдам бериш инсонпарвар демократик давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айлангандир. Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикамиз Президентининг фармонларида ўз аксини топмоқда. Президентнинг 1990 йил 3 майдаги биринчи Фармони “Кўп болалик оилаларга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида” деб номланган эди.

Юртбошимиз И.А. Каримов бу борада: “Энг муҳим вазифа ҳалқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ҳамда маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади”²- деган эди.

Оила тўғрисидаги Қонунлар давлат томонидан изга солиниши талаб этиладиган муносабатларни тартибга солиб туради. Бу муносабатлар Никоҳ тузиш тартиби ва шартларини белгилайди; оилада эр-хотин ўртасида оналар (фарзандликка олувчилар) ва болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида пайдо бўладиган шахсий ва мулкый муносабатларни тартибга солиб туради; бошқаларнинг болаларини ўзига фарзанд қилиб олиш; васийликка олиш; ҳомийлик қилиш; болаларни ўз тарбиясига олиш муносабати билан вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиб туради; Никоҳни бекор

² И.А.Каримов Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т.Ўзбекистон 1993 й. 14-бет

қилиш тартиби ва шартларини белгилайди; фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини белгилайди.

Оила ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқ қилувчи хусусиятларига қарамай, фуқаролик ҳуқуқи билан ҳамбарчас боғлиқлигини сезиш мумкин. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат:

- оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига хос бўлмаган юридик фактлардан (никоҳ, қариндошлик, оналик, оталик, фарзандликка олиш ва бошқалардан) вужудга келади;

- оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, кўпроқ шахсий-ҳуқуқий моҳиятга эга.

- оилавий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бегоналаштирилмайдиган, яъни бошқаларга топшириб бўлмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат.

Оила ҳуқуқи предмети - оилавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларни ташкил этади.

Никоҳ, қариндошлик, болаларни оилага тарбияга олиш қабилардан юзага келадиган ижтимоий муносабатлардан иборат бўлиб, оила ҳуқуқи инсон ва фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқининг нормалари билан тартибга солинади.

Оила ҳуқуқининг манбаалари:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

- Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси (1998 йил 30 апрельда №607-1 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган ва 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб қўлдан киритилган);

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган оила ҳуқуқига оид Қонунлар;

- Республика Президентининг оила ҳуқуқига оид фармон ва фармойишлари, қарорлари;

-Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари;

-Ҳалқаро ҳуқуқ нормалари кабилар ҳисобланади.

Оила ҳуқуқининг асосий принциплари:

-Оилада эркак ва аёл ўртасидаги никоҳнинг ихтиёрийлиги;

-Оилада эр-хотин тенг ҳуқуқлилиги;

-Фақат ФХДЁ органлари тузган никоҳни тан олиш;

-Оиланинг вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларининг биринчи галда ҳимоя қилинишини таъминлаш;

-Фарзандлар фаровонлиги ва равнақи ҳақида ғамхўрлик қилиш;

-Ички оилавий масалаларни ўзаро келишув асосида ҳал қилиш;

-Фарзандларни оилада тарбиялашнинг устунлиги кабилардан иборатдир.

Мамлакатимизда никоҳ мустаҳкам, никоҳ, тенг ҳуқуқли оилани тузиш, болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мақсадидаги киз ва йигитнинг ўзаро муҳаббат ва ҳурмат хислари асосидаги ихтиёрий имзо чекиб тузиладиган турмуш иттифоқидан иборат.

Никоҳ тузиш шартлари:

1.Ўзаро Никоҳ тузишни истаган шахсларнинг никоҳ ёшига етиши;

(Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 15-моддасига кўра: Никоҳ ёши эркаклар учун 18-ёш аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади.)

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни ҳоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокимияти никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

2.Никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розилиги;³

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 14-моддасида:- “Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр ва

³ Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси 15-моддаси Т.,Адолат 1998.

хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади” деб белгилангандир.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексида оила тузишдаги шартлари каторида, Никоҳ тузишга моънелик қиладиган ҳолатлар ҳам қайд этилган:

1) Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда тўрган шахслар ўртасида;

2) Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган кариндошлар ўртасида; туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

3) Лоақал биттасининг руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Оила Кодексининг никоҳдан ўтишнинг янги шарти дейиш мумкин: у “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш” деб номланади. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда, оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш, никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади⁴.

Никоҳланувчи шахсни кўрикдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва уни никоҳланувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин.

Агар, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитетига тақчиллиги вируси (ОИТС) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ тузиш тартиби Оила Кодексининг 13 - моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси 17-модда Т., Адолат 1998.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ аҳамиятга эга эмас. Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг **Фуқаролик Ҳолати Далолатномаларини Қайд этиш (ФХДЁ)** органларига ариза берган кундан бир ой ўтгач, уларнинг шахсан ўзлари иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда бир ой муддат ўтгунга қадар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Алоҳида ҳоллар (ҳамиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар) да никоҳ ариза берилган кунидан ҳам тузилиши мумкин.

ФХДЁ томонидан никоҳни рўйхатга олиш рад этилса, шикоят билан бевосита судга ёки буйсинишига кўра юқори турувчи органларга мурожаат қилиниши мумкин.

Никоҳда бўлиши эр билан хотин ўртасидаги оддий муносабатларнинг ҳуқуқий муносабатларга айланишига олиб келади. Чунки никоҳ эр ва хотин ўртасида ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу ҳуқуқ ва бурчлар ўз мазмунига кўра шахсий ва мулкӣ тусга эга бўлади. Бунда шахсий муносабатлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу муносабатлар оиладаги бирдамлик, бола тарбияси, ўзаро ҳурмат, иттифок сифатидаги никоҳнинг моҳиятини белгилайди. Шахсий муносабатларга, эр-хотиннинг фамилия тенглиги, рўзғор тенглиги, касб танлашдаги тенглиги, турар жой тенглиги, бола тарбиясида тенг қатнашиш, никоҳни бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқи ва бошқалар киради.

Мулкӣ ҳуқуқий мажбуриятларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: эр ва хотиннинг умумий мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф қилиши; эр ва хотиннинг ҳадя қилинган мулклари.

Никоҳ шартномасининг мазмуни Оила Кодексининг 31-моддасида белгиланган бўлиб, унда эр-хотин ўзаро таъминот бериш, оила ҳаражатларини кўтариш, бир - бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкӣ шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини

белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкӣ муносабатларига оид бошқа қоидалар киритиш ҳуқуқи қайд этилган.

Никоҳ шартномасида назарда тугилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян шарт-шароитнинг юзага келиши, ёҳуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи, ёҳуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларини нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тутиши мумкин эмас. Эр ва хотинга тенг ҳуқуқлилиқ асосида юкатиладиган асосий вазифалардан бири ўз фарзандларини ўн саккиз ёшгача моддий жиҳатдан таъминлаш ва тарбиялашдир.

Оилада фарзандлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, уларни умуминсоний қадриятлар, ахлокий нормалар руҳида тарбиялаш эр-хотиннинг муҳим шахсий ҳуқуқ ва вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов бола тарбияси ҳақида шундай деган эди: “Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан муқаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир”⁵

Никоҳ шартномаси томонлар келишувига мувофиқ исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу шартнома суд томонидан

⁵ И.А.Каримов Истиқлол ва маънавият. Т..1994. 128-б.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли.⁶

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилиши жараёнида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

Суд агар эр ва хотин бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Суд ҳал қилув қарорини чиқариш пайтида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда эр-хотиннинг ёки улардан бири томонидан тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори белгилаб олиниши лозим.

Бундан ташқари никоҳни бекор қилаётган эр ва хотин ажралишганидан кейин қайси фамилияда қолишларини ҳам ҳал этиш ҳукукига эгадирлар, бу тарафлар хоҳишига қараб ҳал этилади.

Ўзбекистон Оила Кодексига кўра суд томонидан вафот этган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинган эр (хотин) қайтиб келса тегишли суд қарорлари бекор қилинган бўлса, уларнинг биргаликдаги аризасига кўра ФХДЁ томонидан қайта рўйхатга олинади. Агар улардан бири янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64- моддасида **Ота – оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.**

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота – оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва

⁶ Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига шарҳ. 40-модда Т.Адолат 2000.

ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради дейилади.

Суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, болаларга ва меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга мухтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори, шунингдек эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир келишувни кўриб чиқишни судга такдим этишлари мумкин.

Юқорида қайд этилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда ёки ушбу келишув болалар ҳамда эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

-Никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;

-Вояга етмаган болаларга таълимот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;

-Эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;

-Эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган эр (хотин)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Бундан ташқари эр ва хотин ўрталаридаги никоҳни, агар вояга етмаган болалари бўлмаса, никоҳдан ажралишга ҳар иккаласи ҳам рози бўлишса, ФХДЁ томонидан ҳам бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, ФХДЁ бўлими ҳам Оила Кодексининг

43-моддасига кўра қуйидаги ҳолларда никоҳдан ажратади.

Эр-хотиндан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб эълон қилинса;

Эр-хотиндан бири суд томонидан руҳияти бузилиши сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

Эр-хотиндан бири содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари

борлигидан қатъи назар, улардан бирининг аризасига кўра ўртадаги никоҳ бекор қилиниши мумкин⁷.

Шунингдек болалари, мол-мулки бўйича, ёрдамга мухтож тарафлар мавжуд бўлса фақат суд томонидан никоҳ бекор қилинади.

Оила бу ота-она, фарзандлар, қариндош-уруғлар томонидан тузилган уюшма бўлиб, бир-бирларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар шахсий ва мулкӣ турларга бўлинади. Ота-оналарнинг болалари олдидаги ҳуқуқларига: болага исм, фамилия, ота исмини бериш, жамиятга етуқ, баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларни турар жой билан таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаган болаларга таъминот бериш ва хоказолар киради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида **Фарзандлар ота- оналарининг насл- насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар , қонун олдида тенгдирлар** дейилади.

Вояга етмаган болаларнинг ўз ота-оналари томонидан тарбияланишлари, манфаатларининг таъминланиши, ота-оналари билан оилада бирга яшашлари, уларнинг ҳар томонлама камол топишлари, инсоний кадр-қимматларининг ҳурмат қилиниши, яхшилик ва мурувват туйғулари асосида тарбияланишлари учун имкон яратади.

Ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўзларининг вояга етмаган болалари учун таълим шакллари, умумтаълим муассасаси тури ва ўқитиш тилини танлаш, таълим муассасаси маъмуриятидаги ўқув юртлари уставларида белгиланган зарур шарт-шароитларни яратилишини, болага ҳурмат билан муносабатда бўлишини талаб қилиш, таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларига эгадирлар⁸. Бундан ташқари ота-оналар ўзларининг вояга етмаган болаларини шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда уларни ғайриқонуний тарзда ушлаб тўрган бошқа ҳар қандай шахсдан талаб қилиб олишда устун ҳуқуққа эгадирлар.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига шарҳ 43-моддаси Т.,Адолат 2000

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни 30-моддаси. 1997 йил 29 август.

Агар ота-она ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажармасалар ёки узрсиз сабабли бундан воз кечсалар, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилсалар, фарзандларига шавқатсиз муомилада бўлсалар, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёхвандликка мубтало бўлган бўлсалар, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот беришлари шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилувчи қарори асосида алимент ундирилади.

Агар ота-она ўртасида вояга етмаган болаларига бериладиган таъминот миқдори келишилмаган бўлса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадлардан ундирилади. Агар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори конун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Агар бола касал бўлса, ногирон бўлса қўшимча таъминот талаб қилиниши мумкин.

Айрим вақтларда вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз болалар ўз ота-оналаридан алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Алимент миқдорини суд белгилайди.

Ота-онаси қариганида, меҳнат қобилиятини йўқотганда, касал бўлганлиги ва бошқа сабабларга кўра вояга етган болаларидан алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай таъминот миқдори суднинг ҳал қилувчи қарорига асосан белгиланади.

Оила ҳуқуқи ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоялаш тартибларини ўрнатган. Уларни фарзандликка олиш, васийлик, ҳомийлик белгилаш ёки оилаларга тарбияга бериш мумкин.

Фарзандликка олиш фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш учун

фарзандликка олувчиларнинг истаги тўғрисидаги аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Ҳар бир вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар, ота-оналик ҳуқуқидан чекланганлар, муомала лаёқатига эга эмаслар, асаб касалликлари ёки норкология муассасаларида рўйхатда турувчилар фарзандликка олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорлари билан белгиланади.

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага эга эмас деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Васийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан барча зарурий битимларни тузиш ҳуқуқига эгалар.

Ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларга улар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларни бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

Бу Оила Кодексининг 79-моддасига кўра қуйидаги ҳолларда:

-ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа:

-узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасаларидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

-ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки рухий таъсир кўрсатса;

-мутассил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлса;

-ўз болаларининг ҳаёти ва соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилган бўлса, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.⁹

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, аммо ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она ўз фарзандига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилинмайди.

Ота -оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг болаларини улардан бирига бериш имконияти бўлмаса васийлик ёки ҳомийлик органларининг қарамоғига берилади. У фарзандлар суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан камида олти ой ўтгач, ўзгаларга фарзандликка берилишига рухсат этилади.

Ота -оналик ҳуқуқи, улар ўз ҳуққ атворини, турмуш тарзини, бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларида суд томонидан қайта тикланиши мумкин.

Эр ва хотинни бир-бирларига таъминот бериш мажбуриятлари суд томонидан қуйидаги ҳолларда Оила Кодексининг 120-моддасига кўра:

-Агар эр ва хотин никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлган бўлса:

-Агар ўз таъминоти учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг нолайиқ ҳуққ-атвори туфайли никоҳдан ажратилган бўлса,

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси 79-модда Т.Адолат 1998й.

-Агар ёрдамга мухтож эр ёки хотиннинг меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши унинг спиртли ичимликларни, гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни суистеъмол қилиши ёки қасддан жиноят содир этиши оқибатида юз берган бўлса, эр (хотин)ни ёрдамга мухтож меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр) га таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиниши ёхуд, бу мажбурият муайян муддат билан чеклаб қўйилиши мумкин. Эр (хотин)нинг алимент олиш ҳуқуқи шароитдан келиб чиққан ҳолда суд томонидан тугатилиши мумкин.¹⁰

Оила Кодексида белгиланганидек: фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида сохта бўлса, вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса ҳақиқий эмас деб топилади.

Агар фарзандликка олувчилар ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан буйин товласа, уларни лозим даражада бажармасалар, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, фарзандликка олинганлар билан шафқатсиз муомалада бўлса ичкиликбозликка, гиёхвандликка мубтало бўлса, фарзандликка олиниш бекор қилинади.

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда, фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг қарори билан онасига олиб берилиши мумкин.

Оила Кодексига мувофиқ қуйидаги ҳолларда васийлик ва ҳомийлик тугатилиши мумкин.

-васий ёки васийликдаги шахс вафот этганда;

-вояга етмаган шахслар ўн тўрт ёшга тўлганда ёки, улар ота-онаси қарамоғига қайтарилганда;

-ота-оналарнинг муомала лаёқати қайта тикланганда;

Ҳомийлик ҳам суд қарорига мувофиқ бекор қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқ тармоқларидан бири ҳисобланувчи оила ҳуқуқи талабаларга оила, оила ҳуқуқи, никоҳ, уни тузиш ва тугатиш тартиби, оила аъзоларининг бир-бирлари олдидаги моддий ва маънавий ҳуқуқ ва

¹⁰ Мазкур Кодекснинг 120-моддаси

мажбуриятлари, фарзандлар билан ота-она ўртасидаги оилавий муносабатлар, фарзандсизларга фарзандликка олиш қоидаларини, алимент мажбуриятларини шунингдек, ҳомийлик ва васийлик ҳақидаги тушунчаларни ўргатади.

Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билса, ҳеч қачон уларнинг паймол бўлишига йўл қўймайди. Шунинг учун ҳар бир мавзунини муқаммал ва пухта ўрганиш талабалардан талаб этилади.

Оила муносабатларига оид ҳуқуқ ва мажбуриятларни билиш учун Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси, унга берилган шарҳ ҳамда, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва процессуал Қонунларни ўрганиш лозим бўлади.

Қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари ва асарларини ўрганиш тавсия этилади, чунки юртбошимиз ҳар бир қилган маъруза ва асарлари ҳамда бажараётган ишларида оила мустаҳкамлиги ҳақида ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларга тўхталиб ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг оилаларга ғамхўрлигини у томонидан қабул қилинган фармонлардан билса бўлади. Масалан: “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги”, “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисидаги”, “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги қабилар фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг мақтансак арзийдиган, ҳали ҳеч қайси давлатда қабул қилинмаган олтин моддаси мавжудки, у ҳам бўлса, **66- модда бўлиб, унда Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота – оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар** дейилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т., Ўзбекистон. 2014
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат.» Т., "Ўзбекистон" 1992 й.
3. И.А. Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995 й.
4. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари Т., "Ўзбекистон" 1998 й.
5. О.А.Каримова, З.М.Гаффаров, Давлат ва ҳуқуқ асослари (дарслик)Т., Ўқитувчи. 1995 й.
6. Отаҳужаев Ф «Никоҳ ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши» Т., Ўзбекистон 2000.
7. М.С.Восикова «Оила ва Қонун» Т., 1993.
8. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси Т., Адолат. 1998.
9. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексига шарҳлар Т., 2000.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги ПФ№1657. 1996 йил 10 декабрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори.№434-сонли 1994 йил 24 август.
13. Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом 1994 йил 24 август.
14. БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси. Т., Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар. 220-бет. 2004.
15. 16 ёшгача бўлган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича қўшимча тушунтириш. 1998 йил. 28 июнь. №577/031.(Маҳалла фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асослари)Т., 2003.
16. Х.Р.Раҳмонкулов «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1 ва 2 қисмларига умумий тавсиф ва шарҳлар, 2-жилд, Т..1997-1999.

17. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик тўғрисидаги кодекси. Т.: "Адолат", 1996.
18. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: Адолат 2001.
19. www.gov.uz
20. www.edu.uz
21. www.zivo.tdu.uz
22. www.ec.tdu.uz
23. www.performfncse.edu.uz

Кимё – технология факультети 51-14 ООТ гуруҳ талабаси
Б.Собированинг Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси
Конституциясини ўрганиш фанидан “Оила ҳуқуқи асослари” мавзусида
мустақил иш юзасидан тайёрлаган рефератига

Тақриз

Талаба Б.Собированинг фан бўйича мустақил иш юзасидан тайёрлаган реферати ҳуқуқ тармоқларидан бири ҳисобланувчи оила ҳуқуқи талабаларга оила, оила ҳуқуқи, никоҳ, уни тузиш ва тугатиш тартиби, оила аъзоларининг бир-бирлари олдидаги моддий ва маънавий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фарзандлар билан ота-она ўртасидаги оилавий муносабатлар, фарзандсизларга фарзандликка олиш қоидаларини, алимент мажбуриятларини шунингдек, ҳомийлик ва васийлик ҳақидаги тушунчаларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг оилаларга ғамхўрлигини, у томонидан қабул қилинган фармонлар “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисидаги”, “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги қабилар асосида ёритилиб, мавзунинг моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилган.

Талаба ўз мустақил ишида ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билса, ҳеч қачон уларнинг паймол бўлишига йўл қўймаслиги, шунинг учун ҳар бир мавзунинг мукамал ва пухта ўрганиш талабалардан талаб этилишини қайд этади.

Рефератда оила муносабатларига оид ҳуқуқ ва мажбуриятларни билиш учун Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси, унга берилган шарҳ ҳамда, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва процессуал Қонунларидан фойдаланилган.

51-14 ООТ гуруҳ талабаси Б.Собированинг “Оила ҳуқуқи асослари” мавзусида тайёрлаган реферати барча талабларга жавоб беради ва Ziyo NET ахборот тармоғига жойлаштирилиши мумкин.

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири:

А.А.Юсупов